

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Улуғнор тумани
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи

А.Умурзаков

**УЛУҒНОР ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
УЛУҒНОР ТУМАН НУРОБОД МФЙ ХОВУСТОЛ КЎЧА ЙЎЛИНИ 1530 МЕТР
ҚИСМИНИ ШАҒАЛЛАШТИРИБ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ТАНЛОВ
ХУЖЖАТЛАРИ**

Улуғнор тумани – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА
ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ**

1. Танлов предмети: Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Нурубод МФЙ Ховустол кўча йўли пойини махсус техникалар билан текистлаб қум шағал аралшмаси билан йўл асосини шағаллаштириб йўл пойини қатириб жорий таъмирлаш ишларини бажариш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати — 264 699 542 (икки юз олтмиш тўрт миллион олти юз тўксон тўққиз минг беш юз кирик икки) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузали.

1.4 Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган лойиха-смета хужжати ва нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси (Бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси деб ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Улуғнор тумани Шаҳрихон кўча 5-уй

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага, йўл қуриш ишларига мўжаланган махсус транспорт техникалар (гредер, юк ташувчи автомашиналар ва йўл қатирувчи катоклар)га эга бўлган, йўл қуриш ишларига ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, моддий техника базаси ва мутахассисларининг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига қараб “лицензия” ва гувоҳнома 684- Қонун 13- моддасига риоя этилганлиги бўлиши шарт.

- * Моддий техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати усқуналари
- * Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларининг ҳаёти суғурталанганлиги
- * Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- * Ишчи ходимларининг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат.
- * Бажарилган ишларга бериладиган қаноғат муддати
- * Шу соҳада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифнома

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабларига руҳсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилш (ажралиш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик қелишув молиявий иштирок ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар малумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин

4.2 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм, Буюртмачи томонидан кўйилган техник талабларни бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлид ҳолда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3 Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар: Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

Факат битта таклиф бериши мумкин тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

таклифлар бериш муддати тугагунча ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ ЎЗГАРТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун тарифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун талукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкун.

5.2 Таклифлар муддатини ўзгартириши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарори махсус ахборот парталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилишга мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарлар (ишни хизматни) ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилан ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларини қоидаларига доир тушунтиришлар уларни мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баёномаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда кўчирма имзоланган кундан этиборан уч иш куни ичида махсус ахборот парталида элон қилинади.

7.4 Танловнинг исталаган иштирокчиси таклифларини қориб чиқиш ва баҳолаш баёномаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Улуғнор тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи:

А. Умурзаков

Т/р	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Таъмирланадиган объект	Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Нуробод МФЙ Ховустол кўчаси кўчаласи йўлини қум шағал аралашмаси билан шағаллаштириб жорий таъмирлаш ишларини бажариш
2	Буюртмачи	Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун таъмирлаш	Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Нуробод МФЙ Ховустол кўчала йўлини қум шағал аралашмаси билан шағаллаштириб кўча пойни жорий таъмирлаш
4	Жойлашган ўрни	Улуғнор тумани Шахриобод МФЙ Шахрихон кўчаси 5 уй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Нуробод МФЙ Ховустол кўча ички йўлини шағаллаштириб жорий таъмирлаш ишларини бажариш
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Электрон танлов https://etender.uzex.uz оркали танлов ҳужжатлари.
7	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	264 699 542 сўм
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил июн оyi
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш шарт
10	Молиялаштириш манбаси	Бюджет